



**ФУНКСИОНАЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ОҒИЗ  
БЎШЛИҒИ КАСАЛЛИКЛАРИДА ТУТГАН ЎРНИ**

**Файзибоев Пирмамат Нормаматович**

*Самарқанд давлат тиббиёт университети*

*Гигиена кафедраси мудири т.ф.д. доцент*

**Файзибоев Бекзод Пирмамат ўғли**

*Алфраганус университети талабаси*

**Аннотация:** Основополагающими пунктами стратегии являются ее ориентирование на обеспечение населения продуктами питания, способствующими профилактике алиментарно-зависимых заболеваний, увеличению продолжительности и повышению качества жизни населения. Данным требованиям отвечают продукты функционального, диетического профилактического и лечебного питания.

**Ключевые слова:** международная система НАССР, кондитерские изделия, полость рта.

**Abstract:** The fundamental points of the strategy are its focus on providing the population with food products that contribute to the prevention of nutrition-related diseases, increasing the duration and improving the quality of life of the population. Functional, dietary preventive and therapeutic nutrition products meet these requirements.

**Key words:** international HACCP system, confectionery products, oral cavity.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги вақтда аҳолини соғлом ва юқори калорияга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборатdir. Бу борада функсионал озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш долзарб вазифалардан бири саналади. Шу сабабли озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноатида ҲАССП халқаро тизимини (нозик назорат нуқталарида таҳлика берувчи омилларни баҳолаш) қўллаш олдимизга қўйилган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқариладиган ширинликлардан қандолат маҳсулотларини оладиган бўлсак, уарни ишлаб чиқариш жараёнида турли хилдаги сифатли хомашёлардан: донадор, қум шакар, шинни, сут, тухум, ёғ маҳсулотлари, какао ловиялари, ёнгоқлар, мевалар, ун ва бошқаларни қўллаш орқали юқори сифатли, калорияли, тўйимли ва оссон ҳазм бўлўвчи ширинликлардан иборат бўлган қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган барча қандолат маҳсулотлари уларни тайёрлашда фойдаланилаётган хомашёлар, уни қайта ишлаш механизими ва тайёр маҳсулотига қараб “Қандолат маҳсулотлари ва яrim тайёр қандолат маҳсулотлари” Давлат стандартларига мувофик, шоколад ва



какао маҳсулотлари, шакарли қандолат маҳсулотлари бўлмиш (ширинликлар, карамел, кофе, ҳолва, драже, мармелад, шарқона шириналар), унли қандолат маҳсулотларидан (печене, печене, кракер, вафли, кекс ва тортлар). , кеклер, рулолар) таркиб топган бўлади. Айни пайтда қандолат маҳсулотларининг 3 мингдан ортиқ номдаги турлари мавжуд бўлиб, бу аҳолининг ҳар қандай эҳтиёжини қондириш имконини беради. Бироқ, ҲАССП ҳалқаро тизимининг қўлланилиши орқали шириналар, қандолат маҳсулотларини истъемоли натижасида оғиз бўшлиғи ва тишларининг саломатлигига таҳдид солувчи омилларни камайтириш имконияти ҳали ўрганилмаган. Миллий турдаги қандолат маҳсулотлари ҳисобланмиш - новвот, ҳалва, пашмак ва бошқаларнинг стоматологик нуқтаи назардан оғиз бўшлиғига таъсири ўрганилмаган. Ҳар бир маҳсулот тури ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар хом ашёни технологик қайта ишлаш жараёнида, унинг кимёвий таркиби сабаб, хоссалари ва тузилишининг ўзгариши натижасида ҳосил бўлади. Бу борада, эпидемиологлар ва озиқовқат гигиенаси бўйича мутахассисларни энг катта ташвишга соладиган нарса бу тез бузиладиган пломбали қандолат маҳсулотлар ҳисобланади, чунки уларнинг юқори бактериал ифлосланиши учун етарлича сабабларнинг бўлишидир. Иссик иқлим шароитларида яшовчи аҳоли орасида бундай маҳсулотлар кўпинча оғиз бўшлиғида бўладиган патологик ўзгаришларга ва баъзан овқатдан заҳарланиш ҳолатларига олиб келади.

**Тадқиқот мақсади.** Тадқиқотнинг мақсади замонавий усулда, нозик назорат нуқталарида таҳлика берувчи омилларни баҳолашда танқидий нуқталарни назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали қандолат маҳсулотларининг ифлосланишини олдини олиш ва хавф омилларини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқот обьекти ва усули.** Тадқиқот обьекти сифатида Самарқанд вилоятининг 4 та қандолатчилик ишлаб чиқариш корхонаси олинди. Гигиеник ва бактериологик тадқиқотнинг умумий қабул қилинган усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари.** ҲАССП ҳалқаро тизимидан фойдаланишининг асосий тамойиллари: технологик жараёга ҳақида тавсиялар, маҳсулотлар тавсифи ва нозик назорат нуқталарни аниқлашдан иборатdir.

Олиб борилган изланишлар натижасида шу нарса аниқ бўлдики, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган СанҚвам №0257-08 нон, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қўйилган гигиеник талаблар қандолат



маҳсулотларининг ифлосланиш хавфини баҳолаш ва таҳлил қилишга асосланмаган. Шу муносабат билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан қабул қилинган технологик кўрсатмалар ва меъёрлар илмий асосга эга бўлмаган ҳолда ўзбошимчалик билан чизма кўринишида кириб борилган. Хом ашё ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларида заҳарли элементларнинг микдори бўйича лаборатория текширувлари ва радиологик тадқиқотлар натижаларига кўра СанҚвам № 0366-19 “Озиқ-овқат хавфсизлигига бўлган гигиеник нормативлар” томонидан белгиланган талаблардан ҳеч қандай фарқи аниқламади. Микробиологик кўрсаткичларга кўра, тайёр маҳсулотларнинг хавфсизлик мезонлари ва белгиланган нормативлар ўртасида сезиларли фарқлар аниқланди (1-жадвал).

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, НАССР халқаро тизими жорий этилгандан сўнг анъанавий технологиядан фойдаланган ҳолда ҚМАФАНМ шакарли қандолат маҳсулотларида, меъерда  $5 \times 10^3$  КОЕ/г дан ошмаган ҳолда  $0,6 \times 10^3 \pm 0,02$  гача камайди.

Жадвал 1.

**Қандолат саноатида тайёр маҳсулотларнинг микробиологик  
кўрсаткичлари**

Маҳсулот номи	Кўрсаткич	Рухсат этилган даражалар, мг / кг, ортиқ эмас	Тадқиқот натижалари
Конфет ва шириналар: шокаладли, сутли	Микробиологик кўрсаткичлари:		
	КМАФАНМ, КОЕ/г	$5 \times 10^4$	$\times 10^4$
	БГКП (колиформ) в 1,0г	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Патоген, шу жумладан. салмонеллалар 25 г	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Хамиртуриш,КОЕ/г, кўп эмас		
	Моғор, КОЕ/г, кўп эмас		
Халва:	КМАФАНМ, КОЕ/г	$1 \times 10^5$	$1 \times 10^5$
	БГКП (колиформы) в 0,01г	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Патоген, шу жумладан. салмонеллалар 25 г	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Хамиртуриш,КОЕ/г, кўп эмас		



	Моғор, КОЕ/г, қўп эмас		
Восток ширинликлари	КМАФАНМ, КОЕ/г	5x10	5x10
	БГКП (колиформ) 0,1г	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Патоген, шу жумладан. салмонеллалар 25 g	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Хамиртуриш,КОЕ/г, қўп эмас		
	Моғор, КОЕ/г, қўп эмас		
Новвот	КМАФАНМ, КОЕ/г	Меъёри йўқ	5x10
	БГКП (колиформ) в 0,1г		Аниқланмади
	Патоген ва сальмонеллалар		Аниқланмади

**Хуласа килиб шуни айтишимиз мумкинки, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини текшириш мобайнида, ҲАССП ҳалқаро тизимини кўллашни амалга ошириш учун, биринчи навбатда маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёлар давомида микрофлоранинг динамикасини ўрганиш, ишлаб чиқаришнинг қайси босқичларида микроорганизмлар сонининг камайиши ёки кўпайишининг юз бериш ҳолатларини аниқлаш ва қайси жараёнлар микроорганизмларнинг ривожланишига ёрдам беради ёки қайси бири уларнинг ҳаётий фаолиятини тұхтатади. Шундай жараёнларнинг кетишини түғри баҳолай олсак, маҳсулотларнинг ёд бактериал элементлар билан ифлосланиб қолишининг олдини олган ва касалликларнинг келиб чиқишини олдини олган бўламиз.**

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. СанПиН №0257-08 «Гигиенические требования к производству хлеба, хлебобулочных и кондитерских изделий».www.минздрав.уз
2. СанПиН №0366-19 «Гигиенические норматив безопасности пищевой продукции».www.минздрав.уз
3. Файзибоев П. Н. ИНСОН ОВҚАТЛАНИШИДА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 47-51.
4. Файзибоев П. Н. и др. АҲОЛИНИНГ ТҮҒРИ ОВҚАТЛАНИШИДА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ҚИЙМАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 215-220.
5. Файзибоев П. Н. и др. ОЗИҚ-ОВҚАТМАҲСУЛОЛАРИДАН БАКТЕРИАЛ ЗАҲАРЛАНИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НАССР



ХАЛҚАРО ТИЗИМИНИ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 226-229.

6. Файзибоев П. Н. и др. САБЗАВОТ, ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 221-225.
7. Файзибоев П. Н. и др. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 230-233.
8. Файзибоев П. Н. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ОЗИҚЛАНИШИДА “НОВВОТ” НИНГ ТУТГАН ЎРИН //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2023. – №. 3 [2]. – С. 167-170.
9. Файзибоев П. Н. и др. ТЕХНОЛОГИЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ ИЗ НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНДИТЕРСКИХ ИЗДЕЛИЙ НАВВАТА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 149-153.
10. Файзибоев П. Н. ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 290-295.
11. Файзибоев П. Н. и др. ЗНАЧЕНИЕ КОНДИТЕРСКОЙ ПРОДУКЦИИ В ПИТАНИИ ЧЕЛОВЕКА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 3. – С. 282-
12. Файзибоев П. Н., Ахророва М. Ш. TISH KARIESI BILAN KASALLANGAN VA SOG ‘LOM BOLALARING OVQATLANISHINI ВАНОЛАШ //ЖУРНАЛ СТОМАТОЛОГИИ И КРАНИОФАЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2023. – Т. 4. – №. 1.
13. Normamatovich F. P., Abduganievich O. S. METHOD OF PREPARING NOVVOT FROM NATIONAL CONFECTIONERY PRODUCTS IN UZBEKISTAN //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 160-
14. Normamatovich F. P. PRODUCTION TECHNOLOGY OF NATIONAL CONFECTIONERY" NOVVOT" //Academia Science Repository. – 2023. – Т. 4. – №. 04. – С. 794-798.